

Термиз туманида ифторлик тадбирлари давом этмоқда



Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифлари давомида берган топшириқлари ижроси доирасида Термиз туманининг “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд оила вакиллари, пирубадавлат нуронийлар учун “Ҳумо” тўйхонасида дастурхон ёзилди.

Хайр-саховот оyi муносабати билан ўтказилган ифторлик тадбирида туман ҳокими Шухрат Назаров, вилоят Солиқ бошқармаси бошлиғи Эркин Нарманов, мутасадди ташкилот вакиллари ҳамда имом-хатиблар иштирок этишди.

Ифторликда имом-хатиблар томонидан қуръон тиловат қилиниб, юртимизга яратгандан тинчлик, файзи барака сўраб дуо қилинди.